Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 11 ноябрь, чоршанба №222 (21 320).

ҚУЁШЛИ КУНЛАРНИНГ ҲАР ДАМИ ҒАНИМАТ!

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонуни асосида жойларда ҳокимлик тизимлари жорий этилганига саккиз ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Шу қисқа давр ичида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ва келажакдаги вазифалар ҳақида шаҳар ва туман ҳокимлари жойларда халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобот бермоқдалар. Сессияларда республика ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар иштирок этмоқдалар.

Андижон, Асака, Фарғона, Қўқон шаҳарларида, Самарқанд, Қўшработ, Узун, Термиз, Урганч ва бошқа туманларда бўлиб ўтган сессияларда ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди. Улар ўз ҳудудларида Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳамда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида депутатлар олдида маъруза қилдилар.

Музокараларда сўзга чиққан депутатлар ҳокимлар фаолиятига баҳо бериб, уларнинг эътиборини йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга ва ечилмаётган муаммоларга қаратдилар. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессиялар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, республика касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов, алоқа вазири К. Раҳимов, «Ўзмевасабзавотсаноат» концерни раиси А. Тошкенбоев, республика давлат бож қўмитасининг раиси У. Абдуғаниев, қимматбаҳо металлар давлат қўмитасининг раиси Ш. Нажимов ва бошқалар иштирок этдилар.

(ЎзА).



«Победа» жамоа хўжалиги Сайхунободда биринчи бўлиб йиллик режани уддалади. Мавжуд 900 гектар ердан 2400 тонна ҳосил олинди. Унумли меҳнат юқори ҳосилга гаров бўлганини 130 тонналик хирмон уйган Шерали Мусаев бригадаси аъзоларининг меҳнатидан ҳам билса бўлади. Улар йиғим теримда уюшқоқлик кўрсатдилар. Баҳоргул Назарова, Ҳидоят Эргашева сингари теримчиларнинг ҳар бири кунига 80-90 килограммдан, жами 7 тоннадан ошириб пахта теришди.

Суратларда 1. Бригада бошлиғи Ш. Мусаев. 2. Илғор теримчилар Б. Назарова, Х. Эргашева.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ЎТМИШ ВА ИСТИҚБОЛ

10 ноябрь куни Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди. Жамият Раиси Н. Муҳиддинов ҳисобот берди.

Қурултойда Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятини қайта тузиш масаласи муҳокама этилди. Уни Ўзбекистон Республикасининг «Ёдгорлик» жамияти деб аташга қарор қилинди. Жамиятнинг низоми тасдиқланди. Қурултой ватандошларга мурожаатнома қабул қилди.

Н. Муҳиддинов республика «Ёдгорлик» жамиятининг раиси этиб сайланди. Воқеа арафасида мухбиримиз у билан суҳбатлашди.

— Нуриддин Акромович, авваламбор табаррук 75 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз.

— Ташаккур. Дарҳақиқат шу ойнинг охирида 75 ёшимни қаршилайман. Таваллуд кунларини нишонлашнинг ўзига хос удумлари, тартиб-қоидалари бор. Мусулмонлар пайғамбар ёшида, яъни 63 ёшга кирганида уни кенг нишонлайдилар, эл-юртга ош тортадилар. Кейинги чоракам бир аср мобайнида шаклланган яна бир одат борки, унга кўра одамлар ўзларининг 50, 60, 70 ва 80 ундан кейинги саналарини ўтказадилар. Умуман, таваллуд кунларини оилада, яқинларинг даврасида ўтказганинг маъқул. Насиб этса 80 ёшга кирганимда юртга, мени тарбиялаб вояга етказган халқимга ош тортиш ниятим бор.

— Ниятингизга етинг. Бундай ёшда эл ардоғида бўлиб, унга хизмат қилиш катта бахт. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти сиз бошчилигингизда миллий бойлигимиз — ёдгорликларимиз, обидаларимизни таъмирлаб, уларни қайта тиклаб, халқимизга қайтариб бериш борасида кўп самарали ишлар қилмоқда.

— Мен хизмат юзасидан юзга яқин хорижий мамлакатда бўлганман. Уларнинг ҳаммаси асрлар давомида қад кўтарган ўз тарихий обидаларини авайлаб, асраб келмоқда, айни вақтда бу ёдгорликлардан унумли фойдаланмоқда. Лекин минг афсуски, узоқ вақт мобайнида тескари иш юритиб келинди. 1957—1967 йилларда бизда ўттиз мингга яқин обида бор эди. Энди эса ўша ёдгорликлар, ўша қадриятларнинг атиги ўн мингтасигина қолган. Бу бебаҳо меросимизга ваҳшиёна муносабатда бўлганидан. Истиқлол шарофати билан хатоларни тузатмасак, тегишли хулоса чиқариб, бобокалонларимизга хос иш тутмасак, тарих бизни кечирмайди. Зотан, ўтмиш қадриятларини эъзозлаган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади.

Жамиятимиз ана шу ақидага амал қилган ҳолда Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академиясининг тегишли илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда, маҳаллий идоралар ва жамоат ташкилотлари иштирокида талайгина ишларни қилишга улгурди. Республикамиз аҳолисининг уч миллиондан зиёдроғи, кўпгина корхона, ташкилот ва хўжаликлар жамиятимиз аъзоси. Ҳозир вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларда уч юздан ортиқроқ ҳодимимиз фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).

● *Шу сонга телеграмма*

СЎЗИМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИК

Сирдарё районидаги Синдоробод жамоа хўжалигида «Ўзбекистон овози» обуначилари сони мингдан ошди.

Бундан бир ойча муқаддам жамоамиз меҳнат аҳлининг «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувини ҳалигача мамнуният билан эслаймиз. Ўша учрашувда «Ўзбекистон овози» газетасини ҳар бир хонадонга етказиш ниятимиз борлигини айтган эдик.

Бугун биз сизларга мамнуният билан, сўзимизнинг устидан чиқдик, дея хабар бермоқчимиз. Хўжалигимиз ҳудудида 760 хонадон бор. Биз 800 кишини хўжалик ҳисобидан «Ўзбекистон овози» газетасига белгул обуна қилдик. Ўз ҳоҳишлари билан эркин обуна бўлган газетхонларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, хўжалигимизда ҳозир «Ўзбекистон овози» обуначилари сони минг кишига етди.

«Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимларига ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз. Деҳқонлар, дала меҳнаткашлари ҳаётини янада кенгроқ ёритасизлар, деган умиддамиз.

Қўзибоқар СИНДОРОВ,
Сирдарё районидаги Синдоробод жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

БУХОРОЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Олот районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ва район электр тармоқлари корхонаси, Ғиждувон районидаги Ибн Сино номли, Саттор Жабборов номли жамоа хўжаликлари, йигирув ва тўқув фабрикаси, Шофирикон районидаги Бобур номли жамоа хўжалиги, яна бир қатор меҳнат жамоалари ва ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотлари аҳолини республика, вилоят ва район рўзномаларига обуна қилиш ҳамда маҳаллий матбуотни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 31 октябрь куни умумхалқ шанбалиги ўтказишга даъват этган эдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва вилоят ҳокими бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб қарор қабул қилишди.

Шанбаликдан тушган маблағнинг муайян қисми унда иштирок этганларни республика, вилоят ва район рўзномаларига обуна қилишга сарфланади.

Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Маррага етай деб турган Қашқадарё вилоятида яна бир туман режани бажарди. Чироқчи пахтакорлари 31 минг 400 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига салкам 21 центнерга етди. Миришкорлар яна 3 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Ангор тумани пахтакорлари 8 минг 241 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтариб йиллик режани бажардилар. Ҳосилнинг 24 минг тоннаси қимматбаҳо ингичка толали пахтадир. Маматқул Азизов номидаги, «Таллимарон» ва бошқа хўжаликлар бу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

* * *

Бу йил Сурхондарё вилоятининг Амударё этакларида жойлашган шолизорларда мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга мўлжалдаги 21 минг 195 тонна дон топширилди. Музрабод туманидаги «Искра», «Правда», «Шоликор» давлат хўжаликлари бу муваффақиятга муносиб улуш қўшдилар. Шоликорлар ялпи ҳосилни 26 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

(ЎзА).

ТОЛА — ВАЛЮТАГА

Андижон туманидаги «Шўро» пахта тозалаш заводи янги ҳосил толасини хорижга жаҳон бозори нархида сота бошлади. Корхона жамоаси Польшага 200 тонна, Туркия ва Индонезияга 100 тоннадан тола жўнатди. Вилоятдаги Қўрғонтепа, Пахтаобод туманларидаги йигирув-тўқув фабрикалари ва Андижон ип газлама комбинатига ҳам салкам 800 тонна тола етказиб берилди.

(ЎзА).

ЯНА 500 ТОННА

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ховос районидаги қўриқ Амир Темур номли ижара хўжалиги меҳнат жамоаси пахта тайёрлаш йиллик режасини шараф билан бажарди. Давлатга 2650 тонна пахта топширилди.

Хўжалик тарихида биринчи марта ҳосилнинг 77 фоизи биринчи ва иккинчи навларга топширилди. 2146 тонна пахта машиналарда терилди. 40 миллион сўмга яқин даромад олиш кутилмоқда. Бу муваффақиятга Асқарали Тайлоқов, Алижон Холназаров, Аминжон Холматов раҳбарлик қилган бўлимлар жамоалари муносиб ҳисса қўшдилар.

Ижара хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга 500 тонна пахта топшириб, ялпи ҳосилни 3150 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун— вилоятлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	0.91	98,45
Қашқадарё	1.08	98.11
Наманган	1.01	94.40
Фарғона	0.78	92.83
Андижон	0.93	92.12
Сурхондарё	1.07	83.94
Тошкент	1.35	83.55
Навоий	1.35	81.82
Хоразм	0.74	80.73
Сирдарё	1.74	78.13
Қорақалпоғистон Республикаси	1.10	76.35
Жиззах	1.82	73.74
Самарқанд	1.61	65.07
Республика бўйича	1.17	85.55
1991 йилдагиси	0.13	103.81

● *Ишчи мулоҳаза юритади*

ОБРЎ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Албатта, ҳар ким у ёки бу соҳада ўзи танлаган касб бўйича ишлашни ҳоҳлайди. Мен ҳам ёшлигимда кўнгил қўйганим — ишчи касбини танлаб адашмадим. 32 йилдирки пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб келаман. Шу давр мобайнида топган энг катта бойлигим — менинг шогирдларим бўлди. 40 нафар шогирд тарбиялаб етиштирдим. Улар ҳозир бирлашманинг турли цех ва участкаларида сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Шогирдларни дарахтга қиёсласа бўлади. Ҳаётда экилган дарахтнинг барчаси ҳам кўкаравермайди. Шогирдлар ҳам шундай. Шу ўринда мен кўп йиллик иш фаолиятимдан бир мисол келтирмоқчиман. Илгари Хайрулла Асронов деган шогирдим бўларди. Ўзи серғайрат, топширилган ишни қойиллатиб бажарар, энг муҳими касбини севарди. Бир куни у авзоби бузуқ ҳолда олдимга келди. «Ҳа, нима гап» десам, дардини тўкиб солди:

Биласизми, — дея гап бошлади у. — Кеча бирга ўқиган ўртоқларим билан учрашиб қолдим. Анча суҳбатлашдик. Уларнинг бири сотувчи, иккинчиси ошхонада ишлайди, учинчиси — темир йўлда проводник. Биттаси данғиллама участка қурган, яна бири енгил машина олган. Учинчиси ҳам ўзига тўқ — бадавлат яшайди. Қисқаси, касбим, олаётган маошим ҳақида гап очганимда, улар менинг устимдан кулишди. Охири, шунга келишдик: улар «ёғлироқ» жойдан иш топиб берадиган бўлишди. Маоши ҳам баракали эмиш, бунинг устига унча-мунча «чой пули» тушиб тураркан. Хуллас, ўша ишга кирадиган бўлдим.

Шогирдимнинг бу сўзларини эшитиб, ўйланиб қолдим. Тўғриси, менга алам қилди, аччиғим ҳам келди. Ахир, мустақил ҳаётга энди қадам қўяётган навқирон йигитнинг ҳунар ўрганиш ўрнига ялтироқ турмушга, енгил-елпи йўл билан пул топишга интилиши мени ажаблантирди. Гапнинг индаллоси унинг «дўстлари» фалсафасини тушунса бўлади. Улар обрў, диёнатни ҳам пул билан ўлчайдилар.

Мана, ўзингиз хулоса чиқаринг: бугун ўрта мактабни битирган қишлоқлик йигит-қиз шаҳарга ўқишга боради. Ўқишга киролмагач, қишлоққа қайтишдан ор қилиб, шаҳарда қолишга интилади. Кунини бир амаллаб ўтказиш учун завод ёки фабрикага ишга киради. Бироқ уларнинг кўпчилиги касб-ҳунар ўрганишга қунт қилолмай, тезда бошқа «ўзларибоп» иш қидириб қолишади.

Улар билмайдиларки, ҳаёт сўқмоқлари нақадар қийин ва мураккаб йўллардан иборат. Бу сўқмоқлардан ўтишга ҳар ким ҳам бардош бера олмайди.

Хуллас, мен Хайруллага ёшлик мисли шўх дарё эканлигини, куч-ғайрат шу даврда дарё тўлқинларидек жўшиб туришини, киши умрининг ана шу бетакрор йилларида аниқ ҳаёт йўлини танлаб олиши лозимлигини уқтирдим.

Мана, ушбу суҳбатнинг бўлиб ўтганига ҳам бугун 20 йилдан ошди. Қандай бахтки, ўша пайтда шогирдим сўзимни ерда қолдирмади. Бирлашмада қолиб, сабр-тоқат билан меҳнат қилди. Обрў-эътибор топди. Тажрибаси ортиб устоз бўлди. 15 нафардан зиёд шогирд тарбиялаб етиштирди. Ҳозир унинг сурати бирлашма «Ҳурмат тахтаси»да турибди. Ўзи ҳам касбидан мамнун.

Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу-тарози, дейди доно халқимиз. Ҳақ гап. Зеро, ҳар ким ўзи танлаган, орзу қилган касбини эгаллаб меҳнат қилса, эзгуликни топиши турган гап. Бу оддий ҳақиқатда мен 32 йиллик иш фаолиятим давомида амин бўлдим. Келажак йўлини энди танлаётган йигит-қизларга ҳам тилагим шу: ўз қобилиятингизга қараб касб танланг. Негаки, энди сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиёти йўлида меҳнат қиласиз. Илло, мустақиллик йўлида хизмат қилишга не етсин!

Ўктамжон ХОЛИҚОВ,
Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

● *Тилга эътибор-элга эътибор* ●

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

● *Луқма* ●

Республикамизда давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинганига анча бўлиб қолди. Бироқ унинг ижросидан кўнглимиз тўлмаяпти. Назаримда бунинг сабаби битта: меҳнат жамоалари раҳбарлари тил масаласига етарлича эътибор бермаяптилар. Фикримнинг исботи учун қуйидаги мисолни келтираман.

Каттақўрғон сув иншоотлари қурилиши трестида асосан маҳаллий миллат вакиллари ишлашади. Бироқ корхона маъмурий биносига кирсангиз, ўзингизни бошқа республикадагидек ҳис этасиз. Кириш қисмидаги пешлавҳалардан тортиб ичкарига осиб қўйилган буйруқлар, эълонлар, рекламалар, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва бошқа кўргазмали воситаларнинг ҳаммаси рус тилида ёзилган. Ҳатто қабулхона пешонасидаги «Приёмная», бошқарувчи хонаси эшигидаги «управляющий» ёзувлари ҳам турибди.

Трест бошлиғи қабулига келиб кетувчиларин қайд этиш дафтари ҳам рус тилида юритиларкан. Дарвоқе, бу ерда буйруқларнинг барчаси рус тилида чиқарилади. Бундан ташқари, айрим мажлис ва йиғилишлар ҳам шу тилда олиб борилади. Шу тарзда маъмурият Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги Қонунининг 7-моддаси талабини қўпол бузаётир. Кадрлар бўлими бошлиғи Лидия Михайловна Хачик 20 йилдан буён бу ерда ишлаётганига қарамай ўзбек тилидаги ҳужжатларни ўқий олмайди, тушунмайди. Лекин трест раҳбарлари шу ва шунга ўхшаш воқеаларга эътиборсиз қараб, кадрларни давлат тили ҳақидаги Қонун асосида ўқитиш, аттестация қилиш масаласини кўриб чиқмаяпти.

Мен бир нарсага ҳайронман: трест бошқарувчиси А. Алихўжаев Ўзбекистон халқ депутати. Давлат тили ҳақидаги Қонунни қабул қилишда ўзи шахсан овоз берган. Бироқ нега энди ана шу Қонун ижросига келганда эътиборсизлик, бепарволик қиляпти!

Зафар ШАМСИЕВ,
Каттақўрғон район прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига уч йилдан ошди. Ана шу давр ичида унинг қадри ва нуфузини кўтариш, бой ва ранг-баранг имкониятларидан самарали фойдаланиш борасидаги анчагина тадбирлар рўёбга чиқарилди. Совет империяси даврида деярли ғайризабон бўлиб кетган неча юзлаб сўзларимизнинг ўзбек тилидаги бинойидек атамалари талаффузга киритилди. Ишлар ва йиғинлар она тилимизда ўтказиладиган бўлиб қолди.

Шундай экан, республика олий ва ўрта махсус таълим юртларида ўзбек тилини ўқитишнинг аҳволи қандай?

Ал-Хоразмий номли Хоразм давлат университетида бўлиб ўтган учинчи республика илмий-амалий конференцияси худди ана шу муҳим мавзуга бағишланди. Республикадаги қатор олий билим даргоҳлари ва ўқув юртларининг раҳбарлари, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, вилоят халқ таълими тизимларининг бошлиқлари, районлар ҳокимиятларининг вакиллари иштирок этган бу анжуманда ўзбек адабий тилини ўқитиш, эски ўзбек тили ва ёзувини ўрганиш, ўзбек тилининг назарий ва амалий масалалари, олий ва ўрта махсус таълим юртларида давлат тили ҳақидаги Қонунининг жорий этилиши мавзуларига бағишланган 40 дан ортиқ илмий маърузалар тингланди. Олимлар давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш йўлида ҳали кўп иш қилиш зарурлигини қайд этдилар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Акс-садо* ●

«ҚАЙСИ ВОҲА ВОКЗАЛИ?»

«Ўзбекистон овози», 1992 йил 30 июль

Ушбу сарлавҳали мақолада Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент шоҳбекатида давлат тили талабларига амал қилмаслик ҳолатлари танқид қилинган эди.

Танқидий мақола юзасидан жавоб олинди.

— Мақоле Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарияти мажлисида муҳокама этилди,— деб таъкидланади бошқарма бошлиғи муовини С. Йўлдошев имзоси билан олинган жавоб хатида. — Темир йўл бошқармаси раҳбарияти мақола муаллифи кўрсатган камчиликларни чуқур эътибор билан ўрганиб чиқди.

Шу билан бирга, алоҳида қайд қилиш керак, темир йўл станцияларида, шоҳбекатларида, поездларда, йўловчиларга хизмат қилиш, юк қабул қилиш ва жўнатиш жойларида, темир йўлга қарашли бошқа ташкилотларда ахборот-тижоратлар ўзбек ва рус тилларида баён қилинган.

Жумҳуриятимизнинг тил ҳақидаги Қонунини бажариш мақсадида темир йўл шоҳбекатларида «Йўловчилар ташиш қондаси» ахборотн давлат тилида ёзилган. Шу қаторда радио орқали бериладиган эълонлар ҳам ўзбек тилида олиб борилади.

Шоҳбекатлардаги навбатчилар ва маълумотхона хизматчилари миллий кадрлар ёки давлат тилини пухта биладиган шахслар билан тўлдириляпти. Чипта сотиш хизматчилари давлат тилида иш юритиш юзасидан шаҳодат комиссиясидан ўтдилар.

Мақолада таъкидланган камчиликларни тез олиш керак. Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳрининг марказий ва Жанубий темир йўл шоҳбекатларида рус тилида ёзилган эълонлар сақлаб қолинган. Чунки келгуси — 1993 йилда пойтахтимиз темир йўл шоҳбекатларида қайта тиклаш ишлари олиб борилади, электрон техника воситалари орқали қилинадиган ахборот ва эълонлар давлат тилида иш олиб боришга мослаштирилади.

Темир йўл бошқармасида раҳбарият ва муҳандис лавозимидаги ходимларнинг 336 таси ёки 60 фоизи миллий кадрлар билан алмаштирилди. Миллий кадрларни лавозимга тайинлаш ишлари олиб бориляпти. 1992 йилда юқори лавозимларга тайинланган ходимларнинг 73 фоизини миллий кадрлар ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВГА

Ҳурматли Исмоил Ҳакимович, опангиз Манзура Ҳакимовна ЖУРАБЕКОВАнинг вафот этганини эшитиб, ғоят қайғурдик. Оғир жудолик муносабати билан оилангизга, марҳуманинг қариндош-уруғлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдирамиз.

И. А. Каримов, Ш. М. Йўлдошев, А. М. Мутолов, Б. И. Бугров, Р. Р. Ражабов, А.Н. Возненко, М. Қорабоев, Э. С. Самандаров, К. Н. Тўлаганов, Қ. Ж. Ҳаққулов, Б. С. Ҳамидов.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *Лойиҳа*

ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи идорадир

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек, кимга бўйсунишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан ўз ваколатлари доирасида олий назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

2-модда. Қонунлар ижроси устидан амалга оширилади-ган прокурорлик назоратининг мақсад ва вазифалари

Прокуратура идораларининг фаолияти қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга;

инсон ва фуқаронинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, бошқа қонунлар ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда кафолатланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган давлат мустақиллиги ва суверенитетини, ижтимоий-давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тузумларини, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини;

давлат ҳокимияти демократик тузумининг, маҳаллий бошқарув ва ҳудудий-ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳуқуқий мақоминининг асосларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъмин этишга қаратилгандир.

3-модда. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш;

ушбу Қонуннинг биринчи моддасида уқтириб ўтилган барча идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш (умумий назорат);

жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат айбловини судларда жиноий ишлар кўриб чиқилишида қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қараб чиқишда иштирок этиш, суд ҳужжатларининг қонунларга мувофиқлигини назорат қилиш;

ушланганларни тутиб туриш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

Қуролли Кучларда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилишда қатнашиш.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият тартиби ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Прокуратура зиммасига ушбу Қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклатиш мумкин эмас.

5. модда. Прокуратура фаолиятини ташкил этиш принциплари

Ўзбекистон Республикасининг прокуратура идоралари:

қуйи поғонадаги прокурорлар юқори поғонадаги прокурорларга бўйсунувчи тартибида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказлашган тизимни ташкил этадилар;

назоратни ва ўз ваколатларини давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув маҳаллий идораларидан, мансабдор шахсларидан, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида амал қилиб турган қонунларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) қатъий риоя этиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунган ҳолда амалга оширадилар;

қонунийлик ҳамда жиноятчиликнинг аҳволи, асосий йўналишлари тўғрисида, бошқарув идоралари томонидан қонунларга риоя этилишини таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги вазифалар қандай бажарилаётганлигидан тегишли бўлишига қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораларини, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматларини, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини, ҳокимларини хабардор этадилар;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, шунингдек, давлат сири ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни сақлаш ҳақидаги қонун талабларига зид келмайдиган даражада ошкора иш кўрадилар.

6. модда. Ўз ваколатларини амалга оширишда прокуратураннинг мустақил бўла олиш кафолатлари

Прокуратура фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлади ва прокуратуранинг қонунлар ижро этилишини назорат қилиш, жиноий ишларни тергов қилиш, шикоятлар, аризалар ва хабарларни текшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идоралари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳамда улар вакилларининг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг аралашиши таъқиқланади.

Прокуратура идоралари партиядан холи қилинган ва уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини тузишга йўл қўйилмайди.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш ёки ўз фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин биронбир таъсир кўрсатганлик, унинг даҳлсизлигига тажовуз қилганлик, шунингдек, прокурор ва терговчининг рухсатисиз текширишларга ва дастлабки терговга доир маълумотларни ошкор этганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

7-модда. Прокурор талабларини бажаришнинг мажбурийлиги

Прокурорнинг ўзи аниқлаган қонунбузарлик ҳолларини, қонунни бузишларнинг сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги, актлар ва ўтказилган текширишлар, тафтишлар ҳақидаги бошқа зарур ҳужжатларни, материалларни, маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги, прокуратурага келиш ва қонун бузилганлиги хусусида тушунтириш бериш ҳақидаги талабларини бажариш шундай талаб юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурорнинг талабларини бажармаганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Прокурорнинг талаблари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши ана шу талаблар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб қолмайди.

8-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мажлисларида прокурорнинг иштирок этиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мажлисларида, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар белгиланган тартибда халқ депутатлари тегишли ва қуйи даражадаги Кенгашлари мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

9-модда. Қонун лойиҳаси таклиф этиш ташаббуси ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори қонун лойиҳаси таклиф этиш ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

10-модда. Аризалар ва шикоятларни қараб чиқиш

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, давлат, жамоат ҳамда бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини қараб чиқадилар ва башарти, ҳал этишнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурорлар фуқароларни шахсан қабул қиладилар.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви ва назорати идораларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборотни беришларини талаб этиш ҳуқуқига эгадир.

Прокурорнинг шикоят ва ариза бўйича қабул қилган қарори устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори шикоят юзасидан қарор қабул қилганидан кейин прокуратура идораларида ана шундай шикоятларга доир ишлар ётқизилади, янги маълум бўлган ҳолатларга доир шикоятлар бундан мустаснодир.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИНГ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

11-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизими

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизимига шунингдек, транспорт, табиат муҳофазаси прокуратуралари, ҳарбий ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан вилоятлар ва туманлар прокуратураларига тенглаштирилган бошқа прокуратуралар, туман прокуратураларига эга бўлган шаҳарларда эса туман прокуратуралари бўйсунадиган шаҳар прокуратуралари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тузиладиган транспорт, табиат муҳофазаси прокуратуралари, бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар вилоятлар, туманлар прокуратуралари, туманлараро прокуратуралар ёки шаҳар прокуратуралари ваколати билан ташкил этилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш ва унинг ишлаш тартиби ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Ҳарбий прокуратура тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва унинг ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланиб, кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиқидан ўтади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори беш йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлисига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади ва Ўзбекистон Республикаси Президентини қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабардор этиб туради.

13-модда. Прокурорларни тайинлаш ва уларнинг ҳисобдорлиги

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораси томонидан 5 йил муддатга тайинланади ва унинг олдида ҳисобдордир. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосарлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган тақдимига биноан Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораси томонидан тайинланади.

Вилоятлар прокурорлари ва Тошкент шаҳри поркурори ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинланадилар, унга бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинланадилар, юқори поғонадаги прокурорлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ҳамда улар олдида ҳисобдордирлар.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғидан ўтадиган биринчи ўринбосарга, ўринбосарларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура идораларининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда коллегия тузилади. Коллегиянинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида Бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар бўлиб, уларнинг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тайинлайди. Бош прокурорнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари ва махсус топшириқ бўйича ёрдамчилари бўлади. Бошқарма ва бўлимларда катта прокурорлар ва прокурорлар бўлади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари ва махсус топшириқ бўйича ёрдамчилар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари ва катта терговчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тайинлайди.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадиган ҳарбий прокурор бошчилик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари, армиялар, қўшилмалар, гарнизонлар ва уларга тенглаштирилган ҳарбий прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланади.

16-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратураси

Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори бошчилик қилади, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Республика прокуратурасида республика прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ҳамда прокуратура идораларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда коллегия тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар тузилади. Бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари республика прокурорининг катта ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигига биноан Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори томонидан тайинланади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг прокурорлари ҳамда катта прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланади.

17-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларига, уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиладилар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадиган биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари бўлади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларида, уларга тенглаштирилган бошқа прокуратураларда прокуратурага бошчилик қиладиган прокурор (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура идораларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатларнинг шахсий таркибини тегишли прокурорларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўзи ҳам бекор қилиши мумкин.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган бошқа прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар тузилиб, уларнинг бошлиқлари, шунингдек катта ёрдамчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланади. Бошқармалар ва бўлимлар бошлиқларининг ўринбосарлари, ёрдамчилар, прокурорлар ва катта прокурорлар, терговчилар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчилар лавозимга тегишли прокурор томонидан тайинланадилар.

18-модда. Шаҳарлар ва туманларнинг прокуратуралари

Шаҳарлар ва туманларнинг прокуратураларига, шунингдек уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиладилар.

Прокурорларнинг ўринбосарлари, катта ёрдамчилари, ёрдамчилари бўлиши мумкин. Прокуратураларда лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тайинлайдиган терговчилар ва катта терговчилар хизмат қиладилар.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини ва унга бўйсунувчи прокурорларни ишдан бўшатиш асослари ва тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари лавозимдан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилиб, кейин Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига кўра Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораси томонидан бўшатилади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосарлари лавозимдан Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган тақдимига биноан Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораси томонидан бўшатилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари, Қуролли Кучларнинг ҳарбий прокурорлари, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бўшатиладилар.

Ана шу прокурорларни лавозимдан бўшатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

20-модда. Прокуратура терговчилари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳузурида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчилар бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчилар бўлади.

Туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда катта терговчилар ҳамда терговчилар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокуратураларида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар бўлади.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура идораларига раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг фаолиятига раҳбарлик қилади ва бу фаолият устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикасининг барча прокурор ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тергов ишларига доир масалалар бўйича кўрсатмалари барча тергов идораларининг ижроси учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари башарти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда ўзга қонунларига мос келмаганда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўзи ҳам бекор қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ажратилган штат бирлиги ва маблағлар доирасида республика Прокуратураси, ўзига бўйсунувчи прокуратураларни ташкил этади ва тугатади, прокуратуралар аппаратининг таркибини ҳамда ходимлари штатини тасдиқлайди.

Барча даражадаги ва поғонадаги прокуратуралар ташкилий таркибининг тузилиши ва мансаб окладлари белгиланган бюджет ажратмалари ва штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокурорининг ўзига бўйсунувчи идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокурори ҳарбий прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар асосида ва уларни ижро этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида ўзига бўйсунувчи барча ҳарбий прокурорлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради.

23-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорининг ўз бўйсунувидаги идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар шаҳарлар, районлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқарадилар, кўрсатмалар берадилар, ажратилган иш ҳақи фонди доирасида белгиланган лавозимларни сақлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан келишиб аппарат ва ўзига бўйсунувчи прокуратураларнинг штат жадвалига ўзгартишлар киритишлари мумкин.

24-модда. Туманларга бўлинган шаҳар прокурорининг ўзига бўйсунувчи идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Туманларга бўлинган шаҳарнинг прокурори туманлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, юқори поғонадаги прокурорга аппарат ва ўз бўйсунувидаги прокуратураларнинг штат сонини ўзгартириш, ходимларни жой-жойига қўйишга доир таклифлар киритади.

25-модда. Прокуратура идораларининг ҳайъати

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураларида, республика Қуролли Кучлари ҳарбий прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ҳайъатлар фаолият кўрсатади. Ҳайъатлар кенгаш қабилидаги идора бўлиб,қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволига, прокуратура идораларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бўйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларга доир энг муҳим масалаларни қараб чиқади, ўз бўйсунувидаги прокурорларнинг, прокуратура таркибий бўлинмаларининг ва бошқа ходимларнинг ҳисоботларини тинглайди.

Тегишли ҳайъатларнинг мажлисларида вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви, назорати ва текшируви идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотлар, бирлашмалар раҳбарларининг, ҳарбий қисмлар ва қўшилмалар командирлари ҳамда ўзга мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси масалаларига доир ахборотлари ва тушунтиришлари тингланиши мумкин.

Ҳайъатларнинг энг муҳим қарорлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва тегишли прокурорларнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

Бош прокурор билан ҳайъатнинг фикри бир ердан чиқмаган тақдирда, Бош прокурор ўз қарорини амалга оширади ва бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини воқиф этади.

Қуйи бўғин прокуратураси ҳайъати аъзолари ўртасида зиддият келиб чиққан тақдирда тегишли прокурор ўз қарорини амалга ошириб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ёзма равишда ахборот беради.

III. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

I-БОБ. ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН УМУМИЙ НАЗОРАТ

26-модда. Назорат предмети

Қуйидагилар назорат предметига киради:

барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорат идоралари, ҳокимлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатлар, мансабдор шахслар қонунларни бажараётганлиги, шунингдек улар чиқараётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Конституциясига мувофиқлиги;

шахснинг даҳлсизлиги тўғрисидаги, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш (башарти ушбу ҳуқуқларни муҳофаза этишнинг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса) тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши;

иқтисодий муносабатларга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунларга риоя этилиши;

фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари.

Прокурор аралашувини талаб қиладиган қонун бузилиш ҳоллари ҳақида аризалар ёки бошқа маълумотлар тушганда, шунингдек, етарли асослар бўлганда ҳам қонунлар ижросининг текширувлари ўтказилади. Прокурорнинг хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятга бевосита аралашувларига, шунингдек бошқарув ва назорат органларини алмаштирилишларига йўл қўйилмайди.

27-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида:

хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тобелигидан, кимга қарашлиги эканлигидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотларининг ҳудуди ва биноларига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни олиб кўришга;

текшириш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, қонунийликнинг аҳволи тўғрисида ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақида маълумотларни олишга;

давлат идоралари, ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслардан ўз назорати остидаги ҳамда ўз бўйсунувидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни, текширишлар, идоравий ва ноидоравий экспертизалар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириб, улардан қонунлар бузилганлигига доир оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, муассасаларнинг, корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат бирлашмалари, партиялар ва ҳаракатлар ҳужжатларига, шунингдек мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтиришга;

қонунда белгиланган тартибда жиноий ишлар, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар кўзғатишга, кўриб чиқиши учун материалларни жамоат ташкилотларига топширишга;

қонунни очиқдан-очиқ бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома беришга;

давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, партиялар ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга;

фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этишга:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган ўзга давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос эмаслиги хусусида мурожаат этишга ҳақлидир.

28-модда. Прокурорнинг протести

Прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага протест келтиради. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам худди шу тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирган протест бу протест топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичида қараб чиқилиши шарт. Қонунийлик бузилганлигига тезда барҳам бериш талаб қилинган фавқулодда ҳолатларда прокурор протестини қараб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақлидир. Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дарҳол ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиал идора томонидан қараб чиқилган тақдирда мажлис бўладиган кун прокурорга маълум қилинади, у протестни қараб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи идора томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида қараб чиқилмаган тақдирда прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги ахборот қилинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилиши мумкин.

Прокурорнинг судга ариза бериши у судда кўриб чиқилгунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди.

29-модда. Прокурорнинг тақдимномаси

Прокурор қонуннинг бузилишига ана шу бузилишларнинг сабабларига ва унинг бузилишига кўмаклашган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат идорасига, жамоат ташкилотига ёки мансабдор шахсларга киритади, бу тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши шарт. Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга маълум қилиниши шарт.

Тақдимнома коллегиал идора томонидан қараб чиқилаётганда прокурорга мажлис ўтказиладиган кун маълум қилинади, прокурор бу мажлисда қатнашишга ҳақлидир.

30-модда. Прокурорнинг қарори

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиш характеридан келиб чиққан ҳолда жиноий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида асосли қарор чиқаради. Қонунда кўзда тутилган ўзга ҳолларда ҳам прокурор қарор чиқаради.

интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарори идора ёки мансабдор шахс томонидан бу қарор тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кунлик муддат ичида қараб чиқилиши шарт. Қараб чиқилиш натижалари тўғрисида прокурорга зудлик билан ёзма равишда маълум қилинади.

31-модда. Амрнома

Қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги ёз

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *Лойиҳа*

ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

бундан прокурор воқиф этилиши лозим.

Амрномадаги талабларга норози бўлган тақдирда идора ёки мансабдор шахс бу амрнома устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилишлари мумкин. У шикоятни уч кунлик муддат ичида қараб чиқиши шарт. Шикоят амрнома ижросини тўхтатиб қўймайди.

32-модда. Огоҳнома

Фуқароларнинг қонун томонидан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар бўлганида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадларида мансабдор шахслар ва фуқароларга прокурор томонидан қонуннинг бузилишига йўл қўйилмаслик ҳусусидаги огоҳнома ёзма равишда билдирилади ҳамда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунтирилади.

Огоҳномани прокурор юқори турувчи ташкилотга, шунингдек огоҳнома чиқарилган шахс ишлаш жойининг маъмуриятига ёки жамоат ташкилотларига, ўқиш ёки яшаш жойига маълум қилишга ҳақлидир.

33-модда. Прокурорнинг қонуний фаолиятига монелик қилганлик ва талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик

Юридик актлар ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этиш, текширишлар ва тафтишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, прокуратурага келиш ва қонун бузилганлиги юзасидан тушунтиришлар беришдан бўйин товлаш, шу жумладан прокурор фикри билдирилган ҳужжатларда баён этилган талабларни бажаришдан бош тортиш ёхуд уларни белгиланган муддатни бузиб қараб чиқиш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик тарзида прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва прокурор талабларини бажармаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга олиб келади.

II-БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ИДОРАЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАРНИ ИЖРО ЭТИШЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ

34-модда. Назорат предмети

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни қараб чиқиш ҳамда ҳал этиш ва текширувлар ўтказишнинг қонунларда белгиланган процессуал тартиби, жиноятчиликка қарши кураш идоралари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларга оғишмай амал қилишлик — жиноятчиликка қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорат қилиш предметидир.

35-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширар экан, прокурор ўз ваколатлари доирасида:

суриштирув ва дастлабки тергов идоларидан текшириш учун жиноий ишларни, ҳужжатларни, материалларни, содир этилган жиноятларга, оператив-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишининг боришига доир маълумотларни талаб қилади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятларга доир аризалар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ойида камида бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирув ўтказувчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

жиноятни текшириш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят квалификациясини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

суриштирув идораларига жиноят содир этган шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, яширилган ашёларни эгасининг тақдимига кўра олиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноятлар содир этган шахсларни аниқлаш тўғрисида кўрсатмалар беради;

суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш юзасидан шахсан айрим тергов ҳаракатларини ёки текширув ишларини тўлиқ амалга оширади;

тинтув ўтказишга, почта-телеграф ҳужжатларига арест солиш ва уларни олиб кетишга, гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг телефонлар ва бошқа сўзлашув аппаратлари орқали олиб борилаётган суҳбатларини эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлатишга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчи ҳамда суриштирув идорасига бошқа хатти-ҳаракатлар учун рухсат беради;

қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда текширув ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

жиноий ишларни суриштирув ва дастлабки тергов идораларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

ҳар қандай ишни суриштирув идорасидан олиб қўяди ва терговчига беради, тўла ва холис текширув ўтказишни таъминлаш мақсадида ишни дастлабки бир тергов идорасидан олиб бошқасига беради, шунингдек бир терговчидан олиб бошқасига беради;

башарти, ишни текшириш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ўтказаётган шахсни ёки терговчини суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

жиноий ишлар қўзғатади ёхуд жиноий ишлар қўзғатишни рад этади; жиноий ишларни ётқизади ёки юритилишини тўхтатиб туради; қонунларда назарда тутилган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идорасига жиноий ишни ётқизиш ёки тўхтатишга розилик беради; айблаш фикрини (қарорини) тасдиқлайди; жиноий ишларни судга жўнатади.

Прокурорнинг жиноий-процессуал қонунларда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов идораларига тергов олди текшируви, қўзғатилган ва тергалаётган жиноий ишлар билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу идоралар учун мажбурий ҳисобланади.

36-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатларга рухсат бериш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳарбий ва транспорт прокурорлари, шунингдек шаҳарлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, фуқароларни қамоққа олишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида жиноят-процессуал қонунларда назарда тутилган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатларга ҳам рухсат берадилар.

37-модда. Прокуратура идоралари томонидан жиноятларни текшириш

Прокуратура идоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган ва жиноят-процессуал қонунига биноан ўз ваколатларига берилган жиноятларга доир ишларни текширадилар.

Прокурор ҳар қандай жиноий ишни ўзи юритиш учун олишга ёки ўзига бўйсунувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргаликда текширув ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар идоралари ҳамда бошқа идораларнинг терговчилари ва оператив ходимлари жумласидан тергов гуруҳини тузишга ҳақлидир.

III-БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. СУДЛАРДА ИШЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОКИ

38-модда. Прокурорнинг вазифалари

Прокурор жиноий ишлар, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг қай даражада қонунийлиги ҳамда асослилиги, судьялар томонидан кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар устидан назоратни амалга оширади.

Судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этаётган прокурор судларнинг мустақиллиги ва улар фақатгина қонунга бўйсуниши принципига риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судлов амалга оширилиши учун кўмаклашиши шарт.

39-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор суд жараёни қатнашчиси ҳисобланади ва бошқа қатнашчилар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади. Суд мажлисида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари ҳажми ва доиралари Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонунлари билан тартибга солинади.

40-модда. Прокурорнинг судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиши

Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг ўзи ёхуд суд зарур деб топган тақдирда судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этади.

Давлат айбловини қўллаб-қувватлар экан, прокурор далил-исботлар ўрганилишида иштирок этади, жиноят қонуни қўлланишига, судланувчига берилиши лозим бўлган жазо тури ва миқдорига доир ўз фикрини судга баён этади. Бунда прокурор қонун талабларига ва иш юзасидан тўпланган материалларнинг холис баҳосига амал қилади.

Башарти, ишни қараб чиқиш вақтида прокурор қўйилаётган айблов суд мажлисида ўз тасдиғини топмаяпти деган хулосага келса, у айбловдан воз кечади.

41-модда. Суд қарорларига нисбатан кассация тартибида протест келтириш

Прокурор ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ушбу иш хусусида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонунга ҳамда иш юзасидан тўпланган материалларга қай даражада мувофиқ келишини текширади. Жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқ бузарлик ишлари бўйича суднинг чиқарган ғайриҳуқуқий қарорлари устидан юқори турувчи судга протест келтиради.

42-модда. Прокурорнинг кассацион ва хусусий протести

Прокурорга ва унинг ўринбосарига иш биринчи инстанция судида кўриб чиқилишида иштирок этганликлари ёки иштирок этмаганликларидан қатъи назар, ўз ваколатлари доирасида кассацион ва хусусий протест келтириш ҳуқуқи берилади.

43-модда. Назорат тартибида суд қарорларининг қонунийлигини текшириш учун суддан ишларни талаб қилиб олиш

Прокурор, унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни ёки иш турларини суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор улар қонунга мувофиқ эмаслигини аниқлагач протест келтиради ёки бу ҳол унинг ваколат доирасига кирмайдиган бўлса, юқори поғонадаги прокурорга тақдимнома билан мурожаат этиб, протест келтиришни сўрайди.

44-модда. Суднинг қонуний кучга кирган қарорларига нисбатан протест келтириш

Суднинг қонуний кучга кирган хал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқига қуйидагилар эгадир:

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг, шу жумладан хўжалик судларининг ва ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қарорлари бундан мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар — туман, шаҳар халқ судининг, ҳарбий суднинг ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан; Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди раёсатлари суд ҳайъатлари ишни кассация тартибида қараб чиқиб, қабул қилган қарорларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хўжалик судларининг қарорларига нисбатан.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юзасидан чиқарган қарорига нисбатан район, шаҳар ва юқори поғонадаги прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан протест келтириши мумкин.

45-модда. Кассация, хусусий ва назорат протестини ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш. Жиноий ишни суддан талаб қилиб олиш.

Жиноий ва фуқаролик ишларига доир суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан берилган кассация, хусусий ва назорат тартибидаги протест иш судда кўриб чиқилгунига қадар тўлдирилиши, ўзгартирилиши ёки протест келтирган прокурор, шунингдек юқори поғонадаги прокурор томонидан судда кўрилишига қадар чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, айблаш фикрини тасдиқлаган шаҳар ва туман прокурорлари жиноий ишни айбланувчини судга беришга қадар ва прокурор томонидан қўзғатилган фуқаролик ишини судда қараб чиқилишига қадар чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

46-модда. Жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари юзасидан суд чиқарган қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори:

ҳар қандай суднинг протест келтирилган ҳал қилув қарори, ҳукми, ажрими ва қарори ижросини иш назорат тартибида ҳал этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидирлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қарорлари бундан мустасно.

Фуқаролик ва хўжалик ишлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурорлар қонун очиқ-равшан бузилганлигидан далолат берувчи маълумотлар етарлича бўлгани тақдирда ишни талаб қилиб олиш билан бирга суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорининг ижросини улар устидан протест келтирганга қадар кўпи билан уч ой муҳлатга тўхтатиб туришга ҳақлидир.

47-модда. Прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раёсатлари, тегишли хўжалик судлари ҳайъатлари мажлисларида иштирок этиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва Олий хўжалик судининг Пленуми мажлисларида, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг мажлисларида иштирок этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори вилоятлар судлари ва Тошкент шаҳар суди раёсатларининг, тегишли хўжалик судлари ҳайъатларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

48-модда. Қонунларни қўллаш юзасидан судларга тушунтиришлар бериш тўғрисидаги таклиф

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ва Олий хўжалик судининг Пленумлари муҳокамасига жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ва бошқа судлов ишларини қараб чиқиш чоғида юзага келадиган қонунларни қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлидир.

IV-БОБ. УШЛАНГАНЛАРНИ ТУТИБ ТУРИШ, ДАСТЛАБКИ ҚАМОҚ, СУД ТАЙИНЛАГАН ЖАЗО ВА МАЖБУРИЙ ХАРАКТЕРДАГИ БОШҚА ЧОРАЛАРНИ ЎТАШ ЖОЙЛАРИДА ҚОНУНЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЎСТИДАН НАЗОРАТ

49-модда. Назорат предмети

Ушланганларни тутиб туриш, дастлабки қамоқ жойларида, озодликдан маҳрум этиш жойларида ва ахлоқ тузатиш ишларига юборилган жойларда, мажбурий даволаш ва тарбиялаш муассасаларида шахсларни ушлаб туриш қай даражада қонуний эканлиги;

ушланганлар ва қамоққа олинганларни тутиб туриш, жазони ўташ, маҳкум этилганларни тарбиялаш, қонунларга мувофиқ мажбурий даволаш ва тарбиялаш чораси қўлланилган шахсларни ушлаб туриш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонунларга қай даражада риоя этилаётганлиги;

ушланганлар, қамоққа олинганлар, ҳукм этилганлар, шунингдек мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари кўрилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва бурчларига риоя этилиши қай даражада таъминланаётганлиги;

ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунларини қўллайдиган мансабдор шахслар ва идораларнинг фаолиятида қонунийликка қай даражада риоя этилаётганлиги назорат предмети ҳисобланади.

50-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Ушлаганларни тутиб туриш, дастлабки қамоқ, озодликдан маҳрум этиш жойларида, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ва суд томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланадиган мажбурий тарздаги бошқа чораларни ўташ чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор:

ушланганларни тутиб туриш, дастлабки қамоқ, озодликдан маҳрум этиш жойларида, мажбурий даволаш ва тарбиялаш муассасаларига исталган вақтда монеликсиз кириш ва бинонинг ҳамма жойлари билан танишишга;

шахсларни ушлаб туришга, дастлабки қамоқ жойларида сақлашга, шунингдек озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ва бошқа жазо чораларини ўташига ёхуд мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари қўллашга асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ғайриқонуний равишда сақлаб турилган ёки қонунга хилоф тарзда ушланган, дастлабки қамоқда сақланаётган, мажбурий равишда даволанаётган ёки тарбияланаётган шахсларни дарҳол озод қилишга;

башарти, қамоқларда сақланаётган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий чоралар қонунга мувофиқ келмаса, бу қарорларни бекор қилиш, ўз қарори билан юқорида уқтирилган шахсларни жарима изоляторидан, камера типидаги бинодан, карцердан, интизомий изолятордан дарҳол озод қилишга;

ушланган, қамоққа олинган, ҳукм этилган ҳамда мажбурий даволаш ва тарбиялаш чораси кўрилган шахсларни сўраб-суриштиришга;

ушбу моддада айтиб ўтилган муассасаларнинг маъмуриятлари чиқарган буйруқлар, фармойиш ва қарорлар, улар кўрган оператив-қидирув тадбирларининг, ана шу муассасаларда одамларни тутиб туриш тартиби ва шароитларини ҳамда жазони ўташнинг тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган қонунларга қай даражада мувофиқлигини текширишга; башарти, бундай ҳужжатлар қонунларга зид бўлса, уларнинг ижросини тўхтатиш ва улар устидан протест келтиришга ҳақлидир.

51-модда. Прокурор қарорлари ва талаблари ижросининг мажбурийлиги

Прокурорнинг ушланган шахсни, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ва бошқа жазо чораси қўлланган шахсни, худди шунингдек мажбурий тарздаги чоралар кўрилган ёки махсус психиатрия муассасасига жойлаштирилган шахсни тутиб туришга доир қонунда белгиланган тартиб ва шароитлар ижросига нисбатан чиқарган қарорлари ва қўйган талаблари маъмурият томонидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси кўрилган маҳкумларга нисбатан судлар чиқарган ҳукмни ижро этувчи идоралар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

52-модда. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари

Прокурор ушланган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари кўрилган шахсларнинг давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда маъмуриятнинг шикоят ва аризаларни қонунда белгиланган тартибда кимга тегишлигига мувофиқ жўнатиш тўғрисидаги қонун талабларининг риоя этлишини кузатиб боради. Тушган шикоят ва аризани прокурор белгиланган муддатда қараб чиқади ва зарур чора-тадбир кўради ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қилади.

IV. ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ

53-модда. Прокурор лавозимига тайинланган шахсларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумоти бор ва зарур касб-корга ҳамда аҳлоқий фазилатларга эга бўлган фуқаролари прокурор этиб тайинланадилар. Прокуратура идораларида лавозимга биринчи марта тайинланган шахслар қасамёд қиладилар. Қасамёд матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари, шунингдек, туман, шаҳар прокурорларри ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига ёш 25 дан кам бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим.

Прокуратура идораларида хизмат қилиш билан бир вақтда пулли юридик хизмат кўрсатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўйилмайди, илмий, педагогик ва ижодий фаолият бундан мустаснодир.

Прокурорларнинг фаолияти қонунийлиги устидан ўзи назоратни амалга ошираётган сайлов йўли билан ташкил этиладиган идорага сайланишига йўл қўйилмайди.

54-модда. Прокуратура идоралари ходимларининг мансаб даражалари ва ҳарбий унвонлари

Прокуратура идораларининг хизматчиларига, шу жумладан прокуратурага қарашли илмий муассасалар ва ўқув юртлари, прокурор ходимлар малакасини ошириш муассасалари ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

Даражали унвон ҳамда ҳарбий унвон бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низом билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган ҳарбий прокуратура тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

55-модда. Прокурорлар ва прокуратура терговчиларининг дахлсизлиги

Прокурор ва прокуратура терговчиси давлат ҳимоясида бўлиб, хизмат даҳлсизлигига эгадирлар.

Прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан жиноий иш қўзғатиш ва жиноий ишни текшириш тамомила прокуратура идораларининг ҳуқуқ-ваколатларига киради.

Прокуратура ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини қўллашга доир масала юқори поғонадаги прокурор томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан рўйхати белгиланган прокуратура-тергов ходимлари ўқ отар қуролини олиб юриш ҳуқуқига эгадирлар.

56-модда. Прокуратура ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги

Прокурорлар ва прокуратура тергвчиларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура идораларининг ходимларини кўп йиллик ва ҳалол хизмати учун кўкракка тақиладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони билан тақдирлаб, уларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Фахрий ёрлиғини топшириши мумкин. Кўкракка тақиладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони билан тақдирлашга тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори республикада қонунийликни мустаҳкамлаш ишидаги алоҳида хизматлари, кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг ходимларини давлат мукофотларига тақдим этиши мумкин.

57-модда. Прокурор ходимларнинг моддий ва иж-тимоий таъминоти

Прокурор ходимларнинг прокуратурага қарашли илмий муассасалар ва ўқув юртлари, прокурор ходимлари малакасини ошириш муассасалари хизматчиларининг иш ҳақи мансаб окладидан, мансаб даражаси ва кўп йиллик хизмати учун тўланадиган қўшимча ҳақдан, шунингдек махсус тўланадиган устама ҳақдан иборат бўлади.

Мансаб даражалари берилган шахслар белгиланган нормалар бўйича бепул кийим-кечак билан таъминланадилар.

Прокурор ходимларига давомийлиги 30 суткадан иборат ҳар йилги таътил берилади. Мансаб даражаларига эга бўлиб, прокуратура идораларида 10 йилдан кўп иш стажига эга бўлган прокуратура ходимларига:

10 календарь йилидан кейин — 5 сутка,

20 календарь йилидан кейин — 10 сутка,

25 календарь йилидан кейин — 15 сутда давомийлигида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Прокурор ходимлари хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва маҳаллий йўналишдаги жамоат транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгалар; хизмат сафарига борғанларида меҳмонхоналардан олдиндан жойни банд қилиб қўйиш, транспортнинг барча турларига олдиндан билетларни банд қилиб қўйиш ва навбатсиз олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

V. ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР БОШҚА МАСАЛАЛАР

58-модда. «Прокурор» тушунчасининг изоҳи

Ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида, 6-моддасида, 10-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 27-моддасининг биринчи қисмида, 33-моддасида, 35-моддасининг иккинчи қисмида, 37-моддасининг иккинчи қисмида, 39, 40 ва 41-моддаларида, 50-моддасининг биринчи қисмида, 51 ва 52-моддаларида, 53-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларида, 55-модданинг биринчи ва иккинчи қисмида, 56-моддасининг биринчи қисмида, «Прокурор» атамаси ишлатилганда: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини, ўзининг ҳуқуқ-ваколатлари доирасида фаолият кўрсатувчи қуйи поғонадаги барча прокурорларни, уларнинг ўринбосарларини, бошқарма ва бўлим бошлиқларини, прокурорнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчиларини, бошқарма ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорларини тушунмоқ лозим.

59-модда. Ўзбекистон Республикасининг прокуратура муассасалари ва ташкилотлари

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси илмий-тадқиқотлар ўтказиш, прокурор ходимлар малакасини ошириш учун белгиланган тартибда ўзига қарашли илмий ва ўқув муассасалари ташкил этиши, махсус адабиётлар чоп этиши, матбуот корхонасига эга бўлиши мумкин.

60-модда. Халқаро ва давлатлараро алоқалар

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, бошқа қонунлар, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) мувофиқ тажриба алмашиш, прокурор назоратини амалга оширишнинг илғор услубларини ўрганиш ва жорий этиш, жиноятчиликка ва қонунийлик бузилишига қарши кураш, ходимларга таълим бериш ва уларнинг ўқувини ташкил этиш ҳамда бошқа ҳуқуқий ва маданий алоқалар бўйича хорижий давлатларнинг прокуратуралари билан халқаро ва давлатлараро алоқаларга эга бўлиши мумкин.

61-модда. Прокуратура идораларини молиявий таъминлаш ҳамда уларнинг моддий-техника таъминоти

Прокуратура идораларини молиявий таъминлаш ва уларнинг моддий-техника таъминоти марказлаштирилган тартибда республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, ҳокимлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, ҳарбий қисмларнинг қўмондонликлари ўз ҳудудларида жойлашган прокуратура идораларини тегишли хизмат бинолари билан таъминлашлари шарт.

62-модда. Прокуратура идораларининг муҳри

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва унга бўйсунувчи прокуратуралар, илмий-ўқув юртлари ва бошқа муассасалар, корхоналар юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири ва ўз номи туширилган муҳрга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалари қўмитаси «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига доир мулоҳаза, таклифлар ва истакларни юборишингизни илтимос қилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700008, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси.

Телефонлар: 398656, 398242.

«ХАБАРНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўп қиррали фаолияти ҳақида кундалик газета ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига мунтазам равишда маълумотлар бериб борилади. Президент фармонлари, ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатига оид бошқа муҳим ҳужжатлар ҳам ўз вақтида халққа маълум қилиб турилади. Президентнинг матбуот хизмати ходимлари томонидан тайёрланадиган ва ҳар чоракда чиқадиган «Хабарнома»га («Пресс-бюллетень») ана шу ҳужжатлар жамланган. Бу Президент Фармонларининг бажарилишига масъул идоралар — турли вазирликлар ва концернлар, ҳокимликлар, назорат қўмиталари, суд, прокуратура ходимлари ишини осонлаштиради; бошқарув ва ижрочи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Ҳозиргача «Хабарнома»нинг олтита сони чоп этилди. Яқинда босмадан чиққан 6-сонини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашувдаги нутқи баёни билан очилади. Ушбу нутқда республика ҳукуматининг мустақиллик давридаги кадрлар сиёсати тўла ўз аксини топган; буни маълум маънода дастурий аҳамиятга молик ҳужжат деб ҳам баҳолаш мумкин.

Шу йилнинг апрель, май ва июнь ойларида Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия Республикасида расмий сафарда бўлиб, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир муҳим ҳужжатларни имзолади. Бу ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ва Ўзбекистон билан Қозоғистон Республикалари ўртасида тузилган шартномалар ҳам журналнинг 6-сонидан ўрин олган.

Маълумки, шу йилнинг апрель—июнь ойларида Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэл ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф жаноблари республикамизга ташриф буюрган эдилар. Албатта, мазкур ташрифлар Қозоғистон, Урта Осиё республикалари, Туркия, Эрон ва Покистон ҳукуматлари раҳбарларининг 9 — 10 майдаги Ашгабат учрашуви руҳига ҳамоҳангдир. Уларда имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ортиб бораётганини кўрсатади.

Журналнинг ушбу сонида Президент фаолиятига доир бошқа ахборотларга ва фотосуратларга ҳам кенг ўрин берилган.

Одатдагидек, «Фармонлар» бўлими журналнинг салмоқли қисмини эгаллайди. 1992 йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган Фармонлар шу бўлимда жамланган.

Эслатиб ўтамиз: 1993 йилдан бошлаб «Хабарнома» эркин обуна асосида тарқатилади.

Нашр индекси — 75453.

Бир йиллик обуна баҳоси — 233 сўм.

Барча матбуот тарқатиш бўлимларида журналга обуна қилиш давом этмоқда.

ЎТМИШ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзингизга маълум: оғир кунларни кечиряпмиз, лекин имоним комилки, бу кунлар ўтиб кетади, тинчлик-тотувлик, аҳиллик билан қилган ишларимиз қолади. Биз давлатдан маблағ олмаймиз. Ўзимизнинг корхоналаримиз бор. «Мерос» киностудиясини ташкил қилганмиз, ҳозир у 15 қисмдан иборат фильм устида ишламоқда. Унда она заминимиз, халқимизнинг сўғдлар давридан шу бугунгача бўлган тарихи акс эттирилади. Бундан ташқари, альбомлар, тақвимлар, ёдгорликларимиз тасвири туширилган буклетлар чиқаряпмиз. Айни чоғда маданий ва тарихий ёдгорликларимизни томоша қилишга келган хорижий сайёҳлар учун тегишли шарт-шароитлар яратиб беришимиз зарур. Очиғини айтсам, биз бу соҳада ҳали анча орқадамиз. Ўзбек давлат туризм концерни билан ҳамкорликда сайру саёҳат саноатини йўлга қўйишимиз даркор.

— Халқимиз мустақил Ватанимизнинг дастлабки мустақил Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Қадриятларимиз, тарихий ёдгорликлар ва обидаларимиз бундан кейин аянчли аҳволга тушмаслиги учун уларни муҳофаза қилиш масаласи лойиҳада қай даражада акс этган?

— Жаҳондаги 210 мамлакатда беш миллиард уч юз мингдан кўпроқ аҳоли яшайди, шундан 22 миллиони Ўзбекистонда истиқомат қилади. Ер ости, ер усти бойликлари жиҳатидан ҳам, тарихий ёдгорликлари жиҳатидан ҳам Ватанимиз бой мамлакат ҳисобланади. Саволингизга келсак, мен ҳам шу Конституция лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг аъзосиман. Мазкур лойиҳанинг бир эмас, икки моддаси тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган. Энди ҳамма гап истиқлол бахш этган имкониятлардан самарали фойдаланишдадир.

Аждодларимиз асрлар мобайнида бунёд этган жамики, бойлик, жамики қадрият, мавжуд обидалар ва ёдгорликларнинг ҳаммаси халқники бўлиши, давлат билан халқ, турли ташкилотлар бу сеники, бу меники қилмай, бир ёқадан бош чиқариб, қадриятларимизни асраб-авайлаши, келгуси авлодларга қолдириши даркор. Илгари бирор обида ёки ёдгорликка шикаст етказган ташкилотлар, шахсларга арзимас жарима солинар эди, холос. Энди бунинг тамоман акси бўлиши, қонунбузарлар жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилади.

— Жамиятингиз қошида давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясига кўмаклашувчи топонония гуруҳи бор...

— Фикрингизга тушундим. Бу гуруҳнинг асосий вазифаси республика комиссиясига жойларнинг, шаҳар ва районларнинг, қишлоқ ва хўжаликларнинг номини асосли равишда ўзгартиришда кўмаклашишдан иборат. Лекин мен масаланинг бошқа бир муҳим жиҳатига тўхталмоқчи эдим. Давлат тили ҳақидаги Қонун бундан уч йил муқаддам, собиқ иттифоқ пайтида қабул қилинганига қарамай, анча силжишга эришдик. Одамларнинг онгида ўзгариш бўлди. Бинобарин, уни шу кун талабига мослаб таҳрир қилиш, кун тартибига қўйиш зарурати туғилди.

Айни вақтда мустақиллик зиммамизга бошқа бир масъулиятни ҳам юклайди. Она юртга қайтиб келган кунларимнинг бирида Самарқандни зиёрат қилдим. Шоҳизиндани кўздан кечираётиб, Англиядан келган сайёҳларга кўзим тушди. Сочлари тақимини ўпадиган гўзал қиз соф инглиз тилида уларга обида тарихидан сўзларди. Шу пайт меҳмонларнинг бири:

— Ёзувларни асл ҳолида ўқиб, тушунтириб берсангиз, — деб қолди. Қизнинг уятдан юзлари қизарди.

— Энди менга қўйиб беринг, — деди ҳалиги сайёҳ ва араб тилида битилган оятларни шариллатиб ўқий кетди, у сўзларнинг маъносини ҳам тушунтириб борарди.

Хулоса шуки, биз чинакам мустақилликни истасак, хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатиб, Ватан равнақи йўлида тер тўкмоқчи бўлсак, кўпгина халқларнинг тилини билишимиз фарздир.

— Раҳмат сизга, Жамиятингизнинг мустақиллиқ шароитида ўтказилаётган биринчи, ҳисоб бўйича олтинчи анжуманнга муваффақият тилайман.

— Яхши режаларимиз бор, соғ бўлсак, аҳиллик билам ишласак, орзу ниятларимизга етамиз.

Суҳбатдош Б. АБДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.



Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида таъмирлан ан масжид
Суратқаш: В. МОЛГАЧЕВ.

• Халқ ижоди жонкуярлари •

Суҳбатдошим — Хоразм ҳам амалий санъатнинг машҳур намояндаларидан бири, моҳир кулол ва нозиктаъб наққош Раҳимберди ота Матжонов яқинда умрининг 1001 ойига қадам қўйди. Бу муборак сана — яъни туғилган куннинг 83 йиллиги яқин қариндош-уруғлар, фарзандлару невара-чеваралар, кўпсонли шогирдлар, машҳур уста талантининг мухлислари даврасида нишонланди.

...Кулолчилик санъати — уста Раҳимберди Матжоновга бобомерос касб. У туғилиб ўсган Мадир қишлоғи кулолчиликда Хонқа районидагина эмас, ҳатто Хоразм воҳасида неча юз йиллар давомида довруғ таратган, кўҳна диёр кулолчилигининг XIX аср ҳамда XX аср бошларидаги марказларидан бири ҳисобланган.

— Раҳматли отамнинг ҳикоясига қараганда, — деб хотирлайди Раҳимберди ота, — ҳатто Амир Темур Шаҳрисабзда қурдирган машҳур Оқсарой кошонаси қурилишида менинг ҳам бобокалонларим иштирок этишиб, унинг гўзал кошинларини тайёрлашда қатнашган эканлар.

Бугунги кунда кўҳна ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрининг тарихий асори-атиқаларини камоли эҳтиром ва эҳтирос билан томоша қилган киши бу обидаларнинг такрорланмас бежирим гўзаллигида Мадир кулоллари қўлларининг муборак изи борлигини ҳам юрак-юракдан ҳис этса ажаб эмас. Зеро улар — Раҳимбердининг бобоси Уста Қулум ҳам, отаси Уста Матжон ҳам, тоғаси Абдулла ҳам, ҳатто бошқа уста Эшматбува, уста Қутлимурод, уста Оташбува сингари ҳамқишлоқлари ҳам Хиванинг машҳур усталари билан ҳамкорликда кўҳна шаҳар бинолари учун ғоят гўзал кошинлар тайёрлашган. Бу кошин, ва пишиқ гулдор плиталар бугунги кунда ҳам Хоразмнинг кўпгина мадрасалари ва мачитлари деворларини, қатор тарихий ёдгорликлар пештоқларини такрорланмас бир чирой билан ял-ял яшнатиб турибди.

Отасидан барвақт ажралиб қолган Раҳимберди 15 ёшгача аммаси Саодат момо ва тоғаси Абдулла ота қўлида тарбия топади. Аммаси унга ота касбини ўрганишни, кулолчилик уни хор қилмаслигини маслаҳат беради ва уста Эшимбува олдига бошлаб келади. Эшимбува ўспиринни ҳеч иккиланмай ўзига шогирд қилиб олади. Кулолчилик Раҳимберди учун бобомерос касб эмасми, у бу санъатнинг сир-асрорларини бир йил ичидаёқ пухта ўзлаштириб олди, қисқа вақт мобайнида бодя, чаноқ (сопол лаълли), гулдон, кўза каби буюмларни ниҳоятда бежирим ва сифатли тайёрлаб эл назарига тушади. Унинг меҳри ва қўлидан жило топган шакаша-хумча, гули, тоғарик, тувак, шокоса сингари буюмлар эса харидоргирлиги билан довруғ таратади. У бир вақтнинг ўзида ҳамқишлоғи, машҳур наққош — уста Собир Матрасуловдан кошин тайёрлаш ҳунарини ҳам миридан-сиригача ўрганди.

Мана, шундан буён орадан 70 йилча вақт ўтди. Раҳимберди Матжонов эса эвара кўрган бўлса ҳам, ҳамон мардона сафда — кулоллик касбини шараф билан улуғлаб келмоқда. Унинг ижодига мансуб сопол идишлар ўтган йиллар ичида Америка Қўшма Штатлари ва Японияда, Франция ва Италияда, Мўғулистон ва Венгрияда, Германия ва Англияда, қатор мамлакатларда очилган бадиий кўргазмаларда намойиш қилинди. Кекса устанинг маҳорати, нозик дид ва таъби, сопол идишларда акс эттирган манзаралар композицияларининг бетакрорлиги, кошинлардаги нақшларнинг узвий бирлиги ва ранг-баранг уйғунлиги ҳар гал юксак баҳоланган.

У миллий, биринчи навбатда Хоразм воҳасининг ўзига хос услуб анъаналарини ҳар томонлама теран ва зийраклик билан ўрганган, унга диёрнинг қайноқ ҳаёт нафасини бағишлаб, бой мазмун ва маъно ато этишга эришган, бу анъанани яшартиришга беҳад катта ҳисса қўшганки, буни алоҳида такрорлаб ўтиш ўринлидир. Уста яратган нақшлар доимо оқ-ангоб ва кўк-яшил рангда товланиб туради, мис ва кобальт оксидини аралаштириш натижасида яратиладиган тўқ кўк бўёқ, кумуш ранглар кошин ва плиталарга ўзгача руҳ ва жило бахш этади. Бу — отахоннинг кулоллик ва наққошлик касблари ўзаро уйғунлашиб, баббаробар маҳорат ва юксак камолот касб этгани самарасидир, албатта.

Уста Раҳимберди Матжонов 1967 йилдан буён Ўзбекистон бадиий фондининг «Уста» халқ амалий санъати бирлашмаси тизими — Хоразм устахонасида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Ота сўнгги йиллар ичида ҳам, кексалигига қарамай қатор буюртмаларни юксак маҳорат билан адо этди, жумладан, Хива шаҳрининг кўпгина тарихий обидаларини, шулардан энг муҳими — XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир ва файласуф паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлаш, қуббанинг сири кўчган нақшларини қайта тиклашда фаол қатнашди. Урганч темир йўли шифохонаси фойесини кошин нақшлари билан безаб берди. Бундай нақшлар Боғот районидаги Нариманов номли жамоа хўжалигининг бир неча маданий бинолари зал-ларига алоҳида ҳусн ва жило бағишлади.

СОПОЛДАГИ ЖИЛВАЛАР

Кулолчилик анъаналарини давом эттиришмоқда.

Ота ҳали-ҳануз чарчаш ва ҳоришни билмайди, қўли лой қориш ва сопол идишларни тайёрлашдан бўшамайди. Бу қўллар шунинг учун ҳам чайир ва кучли, ўзи эса тетик ва бардам. Мадирликлар уста ҳақида гап кетганида фахрланиб:

— Асли Раҳимберди отанинг зуваласи пишиқ! — деб қўйишади.

Ана шунинг учун бўлса керак, отанинг лой зуваласидан тайёрланган нақшинлар, сопол буюмлар ҳам, мўйқаламидан сайқал топган плита кошинлар ҳам пишиқ, пухта ва бежирим.

Эркин МАДРАҲИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• Табиат ва инсон •

ОВЧИ БУРГУТ

Сувга қонган какликлар галаси осмонга кўтарилди. Отлиқ овчи уларга кўзи тушдию, чарм қўлқопида ўтирган бургут оёқларидаги халқани ечиб, «Ку! Ку!» деб учириб юборди. Баҳайбат қанотларини қоқиб, ўқдай учган бургут қўра чақмоқдай какликлар устига шўнгиди. Тоғу-тошда акс-садо берган овчининг ҳаёҳуғню, от туёқлари дўпир-дўпирига бургут чангалига тушган каклик қичқириғи қоришиб кетди...

Бу овчиликнинг қадимий усули, Ўрта Осиё, Қозоғистон минтақаси, қадимий Русия, Болтиқбўйи ўлкалари ва Европа мамлакатлари халқлари азалдан қолиблик ва мардлик тимсоли бўлган бургутларни қўлга ўргатиб, овнинг бу анъанавий тури билан шуғулланиб келишган. Қўлга ўргатилган бургутлар ҳеч қачон сотилмаган, фақат нодир туҳфа сифатида шоҳ, амир, беклларга инъом қилинган. Халқаро конвенцияга мувофиқ бугунги кунда «Қизил китоб»га кирган бургутларни овлаш, ўзга мамлакатлар ҳудудига олиб ўтиш ва сотиш тақиқланган.

Овга ўргатилган қушлар лочинномалар туркумига кирувчи жўрчи, жиғалтой, калхат ва қийғирлардан фарқ қилади. Овга солинадиган бургутларни оддий халқ тилида шунқор, шоҳин, итолги деб аталади. Аммо бургутчилар уларни ташқи кўриниши ва феъл-атворига қараб ҳам турлича номлайдилар: «Оқ тирноқ», «Музмурт», «Чангалоёқ».

Қуш билан ов қилиш қийин, айни пайтда бургутни қўлга ўргатиш ундан ҳам қийин. Одатда, бургут одам қўлидан луқма ейишдан ўлимни афзал кўради. Бургутчи дастлаб ишни бургут полопонини қўлга ўргатишдан бошлайди. Тутқин қуш эгаси қўлидан биринчи луқмани олиб ейиши — бургутчи учун биринчи ғалаба! Шундан кейингина ов йўлдошлари — от, ит каби жониворларга кўникма ҳосил қилдирилади. Овга чиққанда бошига қалпоқча кийдирилиб, думига митти кумуш қўнғироқча илиб қўйилади. Бургутни овга ўргатиш 1,5—3 ойгача давом этиши мумкин.

90-йиллардан эътиборан Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида овнинг бу усулини қайта тиклашга киришилди. Қозоғистонда ҳар йили «Бургутчи» байрами ўтказиб келинмоқда. Олмаота яқинидаги «Дегерес» зотдор отлар заводи қошида қуш билан ов қилувчи ҳаваскорлар клуби ташкил этилган. Негадир Ўзбекистонда «Бургутчи»лар клублари фаолият кўрсатаётган бўлсада, улар ҳар йили вилоят марказлари ва Тошкентда ўтказиб келинаётган «Қушлар куни» кўрик-танловига иштирок этишмайди.

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ.

Суратларда: қўлга ўргатилган шунқор ва ов лаҳзаси акс этган.

ШОИР ВА ЁЗУВЧИЛАР ХИЁБОНИ

Бўз педагогика билим юртига шоира Саида Зуннунова номи берилиб, унинг ҳайкали ўрнатилганига анча бўлди. Кейин билим юрти ҳовлисида бирин-кетин Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Фурқат, Чўлпон, Бобораҳим Машрабнинг ҳайкаллари қад кўтарди. Бўзликлар бу табаррук жойни «Шоир ва ёзувчилар хиёбони», деб атай бошладилар. Ҳамиша бу ер талабалар, ўқувчилар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум бўлади.

Кўп сайллар, байрам шодиёналари шу ерда ўтказилади. Бундай маросимларда: «адиблар ҳамиша барҳаёт, уларнинг номлари абадий нур сочиб туради», деган сўзлар тилга олинади.

Билим юрти ҳавлисида адиблар хиёбонининг ташкил этилиши қутлуғ иш. Бу улар номини абадийлаштиради. Бу ҳайкаллар саховатли инсон, шу билим юртининг директори, таниқли шоир Тўлан Низомнинг саъй-ҳаракати билан ўрнатилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ. «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон давлати мустақиллиги бир йиллигининг нишонланганига эндигина икки ой бўлди. Аммо шу қисқа тарихий вақт ичида Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда сезилари даражада кўзга ташланиб бормоқда. Республика раҳбарияти томонидан демократик жамият қуриш, бозор иқтисоднётига босқичма-босқич ўтиш ва, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Урта Осиё минтақасидаги сиёсий аҳволни барқарорлаштириш бўйича таклиф этган шахсий ташаббуслари ана шундай имкониятларни вужудга келишида асосий омил бўлди.

Ушбу муайян мақсадни кўзлаган тадбирлар доирасида республика раҳбарияти топшириғига биноан ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов Теҳронга сафар қилди. Ушбу ташриф чоғида минтақадаги мамлакатларнинг ҳамсоя Афғонистондаги мунозарали вазиятни ҳал этиш бўйича муносабатлари бирмунча яқинлашди ва бу ўз навбатида Тожикистондаги аҳволни барқарорлаштиришда аҳамиятга молик роль ўйнаши табиийдир. Бу эса Афғонистон ислом давлати ҳукумат ҳайъатининг Ўзбекистонга ташрифи давомида кўзга ташланиб турди.

Ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатна бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукумат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифининг аҳамиятини таъкидламоқ лозим. Делегация Ўзбекистонда бўлган вақтда республика парламенти, ҳукумати, бир қатор вазирликлари раҳбарлари билан музокаралар олиб борилибгина қолмай, иккита муҳим битим ҳам имзоланди. Улардан бири Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида қўшма комиссия тузиш тўғрисида, иккинчиси — икки мамлакат ўртасида техник ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битимлардир. Битимга мувофиқ қўшма комиссиянинг тузилишидан мақсад олдин имзоланган шартнома ва ҳужжатларда кўзда тутилган қоидаларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборатдир. Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги бевосита муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ўтган йили Ҳиндистонга қилган расмий ташрифидан бошланади. Бундан ташқари ҳар икки томоннинг муайян идоралари раҳбарлари Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида протоколлар имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати сармоя қўйишга кўмаклашиш тўғрисида имзоланган битим Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожида муҳим босқич бўлди. Бу ўз навбатида АҚШ хусусий сармоядорларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти томон кенг йўл очади. Бунинг учун, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Г. Л. Кларк ўзининг мусоҳабасида такидлаганидек, бу ерда ҳуқуқий замин, энг муҳими, барқарорлик мавжуддир.

Октябрь ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Швеция, Италия, ГФР, АҚШ, Англия, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Жанубий Африка Республикаси, Малайзия, Япония ва бошқа мамлакат вакилларидан иборат ҳайъатлар келиб кетди.

Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов октябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 47-сессиясида қатнашиб, сўзга чиқди. Шунингдек, раҳбарият топшириғига биноан, республика Бош вазири А. Муталов, Э. Боқибоев ва У. Абдураззоқовлардан иборат ҳайъат ёш мустақил давлатларга инсоний ва техник ёрдам кўрсатиш бўйича Токио конференциясида қатнашди.

Ўзбекистон Республикасидан Бирлашган Араб Амирликлари, Қурия Республикаси, Италия, ГФР, Австрия, Япония ва бошқа мамлакатларга турли тоифадаги делегациялар сафар қилди. Умуман, октябрь ойида турли вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик ташкилотлари йўли билан 5 кундан 15 кунгача муддатга, шунингдек ўқиш ва малака ошириш учун 2485 нафар киши дунёнинг 47 мамлакатига сафар қилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 31 хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхоналари, шунингдек 27 фавқулодда ва мухтор элчига фаолият кўрсатиш учун розилик берилган. Улардан 14 таси Тошкентда ва 16 таси ўзларининг Россия Федерациясидаги дипломатик ваколатхоналари орқали дипломатия вазифаларини бажарадилар. Октябрь ойи охирига қадар қуйидаги давлатлар элчихоналари очилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улар: Туркия, ХХР, Покистон, АҚШ, Исроил, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон. Италия, Жазоир, КХДР, Франция, ГФР, Россия Федерацияси каби давлатлар яқин кунлар ичида ўзларининг хос ваколатхоналарини очадилар. Бундан ташқари Тошкентда Мўғулистоннинг Бош консуллиги ишлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси 58 хорижий давлатлар билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Хорижий мамлакатларда Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик ходимлари тайёрлаш ва малакасини ошириш давом этмоқда. Бу масалада Туркия, Ҳиндистон, Франция, Буюк Британия ёрдам бермоқда. Шунингдек, АҚШ, ГФР, Миср ва Малайзия мамлакатлари ҳам бизнинг дипломатларни ўқитиш учун имконият яратиб бериш истакларини баён қилишмоқда. Ҳозирга қадар 7 нафар дипломат хорижда малакасини ошириб қайтди, 9 нафар киши эса чет мамлакатларда ўқимоқда.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси ва Туркия жумҳуриятида элчихоналари очилган. Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Афғонистон, Исроилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик вакиллари ишлаб турибди.

Ташқи ишлар вазирлигида хорижий мухбирларни қайд қилиш иши муваффақият билан давом этмоқда. Ўзбекистонда хорижий нашрлар, телекомпания ва агентликларнинг бир қатор мухбирлари бу борадаги рухсатномаларга эга бўлдилар. Улар орасида Франциянинг «Либерасьон», Туркиянинг «Замон», «АҚШнинг «Ньюсуик», Буюк Британиянинг «Би-Би-Си», Германия Федератив Республикасининг ДПА, МДҒҲ мамлакатларидаги, «Интерфакс», «Труд», «Правда», «Красная звезда», «Рабочая трибуна», «Торговая газета», «Медицинская газета», «Огонёк» ва бошқа нашрлар бор. Бунга қўшимча қилиб айтиш лозимки, октябрь ойида республикамизда 11 нафар хорижий мухбирлар бўлиб, вақтинча аккредитациядан ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА
- ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
- «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
- НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

Ўзбекистон овози
ХАРЧИНОМА

TEKNESLS = INFO фирмаси
Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:
Компьютерлар, Телефонлар, Телефакслар, Стриммерлар, Лазерли принтерлар, Кичик хисоблаш тармоқлари, Ксерокслар, Сканерлар, Дискетлар, Модемлар, Банкнотларни хисоблаш аппаратларни
Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади
Тошкент, Улуг Ипак Йули хиёбони, 63
67-25-57, 67-85-86 FAX (371-2) 54-99-83

Ташкилот пахта толаси ва хом ашёсининг 4, 5-типларини пул ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 114-уй телефонлар (32522) 3-85-87, 3-36-84,
(325) 62-35-55, 66-56-31.

Фориш районидаги Киров ишчилар кооперацияси томонидан дўкон мудири Мирзаев Рустам номига берилган 1310, 1337, 1338 рақамли ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошпўлат ФАЙЗИЕВ

Кутилмаган ўлим ёш демай, қари демай қувонч ва ташвишлар оғушида яшаётган инсон умрига чек қўйди. Дўстимиз Тошпўлат Файзиев ҳам ҳали узоқ йиллар инсонга бир марта бериладиган умрдан баҳраманд бўлиб, орзу ва ташвишларини онласи билан баҳам кўриб, фарзандлари камолига гувоҳ бўлиб яшаши мумкин эди...

Т. Файзиев 1948 йил 25 декабрда таваллуд топди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугаллаб, 1975 йилгача «Ғаллаорол» давлат хўжалигида механик, 1986 йилгача Ленин номли (ҳозирги Амир Темур ширкати) хўжаликда бош муҳандис бўлиб фаолият кўрсатди. 1986 йилдан эса Бочарное нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси директори вазифасида ишлаб келди.

Т. Файзиев қайси вазифада ишламасин ўзининг тадбиркорлиги, ташкилотчилиги, камтарилиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан жамоа ишчи-хизматчиларининг ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Хотирамизда содиқ дўст, тадбиркор раҳбар сифатида умрбод қоладиган марҳум нинг имони басаломат, охирати обод бўлсин.

ДУСТУ БИРОДАРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси жамоаси элчихона 1-котиби Абдували Маҳмудовга онаси

Султон МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармасининг ҳайъати ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг кенгаши Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини

Ҳошимжон ўғли УЛФАТнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Ю. БЕРДИЕВ.

БИЗНИҢГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.00 Г—453. № 222. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.